*ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР*

# КАМЧИЛИКЛАРГА МУРОСАСИЗЛИК

**Янгийўл шаҳри республикамизнинг саноат марказларидан бири. Коммунистлар шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун олиб бораётган курашнинг олдинги сафида бормоқдалар. Шаҳар партия конференциясида бу алоҳида таъкидланди. Меҳнат коллективлари ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида эришган муваффақиятлар муносиб баҳоланди, йўл қўйилган камчиликлар муросасизлик билан принципиал танқид қилинди.**

Ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко ва музокараларда чиқиб сўзлаган делегатлар шаҳаркомнинг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари иқтисодий ва социал ривожланиш борасида қўйган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини талабчанлик билан чуқур ҳамда атрофлича қараб чиқдилар. Шаҳар партия ташкилоти меҳнаткашлар ўртасида олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишни, экономикага ва одамларни коммунистик руҳда тарбиялашга раҳбарлиги савиясини тўла таҳлил қилдилар. Унинг келгусидаги вазифаларини белгилаб бердилар.

— Ҳисобот даврида, — деди докладчи, — шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотларининг асосий куч-ғайрати экономикани ривожлантиришнинг интенсив методларини жорий этиш негизида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилди. Меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар ана шу асосий вазифанинг муваффақиятини таъминлашни кўзлаган ҳолда олиб борилди. Натижада беш йилликнинг уч йили топшириғи муддатидан олдин — 30 ноябрда бажарилди. Саноат маҳсулотининг ҳажми анча ўсди. Пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги ошди.

Бундай қувончли натижаларга эришишда, дейилди конференцияда, бошқа омиллар билан бир қаторда, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг прогрессив усули — бригада пудратини қўлланиш катта роль ўйнади. 112 ишлаб чиқариш коллективи ёки барча бригадаларнинг ярмидан кўпроғи ягона наряд усулида ишламоқда. Прогул қилиш, бекор туриш ва меҳнат интизомини бошқа йўллар билан бузиш натижасида иш вақтини йўқотиш бир ярим баравар, кадрларнинг қўнимсизлиги тенг ярмига камайганлиги, меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш, давлат ва план интизоми мустаҳкамланганлиги ҳам меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив усули жорий этилганининг самарасидир.

Маълумки, янгийўлликлар қолоқларсиз ишлаш ҳаракатининг ташаббускорлари ҳисобланадилар. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари хўжалик фаолиятини такомиллаштириш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим омили бўлган бу ватанпарварлик ҳаракатини оммалаштиришга биринчи даражали аҳамият бериб келмоқдалар. Бу яхши самара беряпти. Ҳозир қолоқларсиз ишлаш мусобақасида 22 минг киши қатнашмоқда. 156 корхона, цех ва бригада коллективи, қолоқларсиз ишлаш ҳаракатига қўшилган уч мингдан ортиқ илғор ишчи беш йилликнинг уч йили топшириғини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги кунигача адо этди.

Конференцияда шу нарса мамнуният билан таъкидландики, коммунистлар ўзларининг авангардлик ролини тўғри тушунмоқдалар. Мисол учун уч юз коммунист беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан олдин бажарди. 135 коммунист 1984—1985 йил ҳисобига ишламоқда. Улар орасида қолоқларсиз ишлаш ҳаракатининг ташаббускорлари — пойабзал фабрикасининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати О. Икматова, пахта тозалаш заводининг мастери А. Абдувалиев, мебель фабрикасининг бригадири М. Ботиров, 8-ғишт заводлари бошқармасининг электр пайвандчиси Ю. Жўраев, ёғ-мой комбинатининг прессловчиси И. Қорабоев, 363- кўчма механизациялашган колонна сувоқчиси Н. Қосимов ва бошқалар бор.

Докладчи ва музокараларда қатнашган делегатлар — мебель фабрикаси партия ташкилотининг секретари И. Раҳимов, пойабзал фабрикасининг ишчиси О. Икматова, партия ветерани А. Омонов, 107-автомобиль корхонаси директори И. Божков, Ўрта Осиё монтаж-созлаш бошқармаси партия ташкилотининг секретари А. Столяров, нон заводи ишчиси К. Хўжаева, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси И. Серикбоев ва бошқалар эришилган муваффақиятларни таъкидлаган ҳолда, юз берган камчиликларни коммунистларга хос принципиаллик билан очиб ташладилар. Ўз коллективларини мавжуд резервлардан, айниқса, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун курашга сафарбар эта олмаганликлари, оқибатда беш йилликнинг уч йили топшириғи бажарилмаётгани учун ёғ-мой комбинати, қишлоқ хўжалик деталлари заводи, 8-ғишт заводлари бошқармаси партия ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарларини юзхотирсиз танқид қилдилар. Ана шу корхоналарда қолоқликка йўл қўйилганлиги сабабли давлатга пахта мойи, мустаҳкамлаш ва қурилиш материаллари анча кам етказиб берилди.

Шу нарса ташвиш туғдирмоқдаки, дейилди конференцияда, бир қатор корхоналар, хусусан биохимия заводи ва 8-ғишт заводлари бошқармаси маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини мунтасил бажармай келмоқдалар. Айрим завод ва фабрикаларда товар маҳсулотининг таннархи қимматлашувига йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш жуда секин бормоқда. Иш вақтини йўқотиш, меҳнат интизомини ва ишлаб чиқаришда тартибни бошқа йўллар билан бузиш, ортиқча ишчи кучи сақлаш ҳолларига тўла барҳам берилгани йўқ.

Конференцияда қониқарсиз ишлаётгани, катта ёрдам кўрсатилаётганига қарамай, аҳволни тузатишнинг уддасидан чиқмаётгани, корхонани техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш соҳасида ташаббускорлик, жўшқинлик кўрсатиш ўрнига, хом ашё етишмайди деган баҳона билан план топшириқларини камайтиришга уринаётгани учун ёғ-мой комбинатининг директори коммунист А. Ҳамзаев қаттиқ танқид қилинди.

Шу муносабат билан конференцияда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигидан техника билан қайта қуроллантиришни тезлаштириш ва қолоқликдан чиқишда корхона коллективига яқиндан ёрдам кўрсатиш талаб қилинди.

Биохимия заводидаги ишнинг аҳволи, дейилди конференцияда, қаттиқ танқид қилишга лойиқдир. Унинг директори А. Шубин ва корхонанинг бошқа раҳбарлари ишни яхшилаш учун ҳаракат қилиш ўрнига, турли баҳоналар ахтариш билан овора бўлмоқдалар. Натижада завод давлатдан қарздор бўлиб қолди, кўп миқдордаги кислота ва озуқа ачитқисини кам етказиб берди. Бу ерда маҳсулот тайёрлаш кўпайиш ўрнига, камайиб бормоқда. Шу туфайли конференцияда завод раҳбарлари беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ўрнига, турли ташкилотларга мурожаат қилиб, 9 процент камайтиришга эришганликлари коммунистга ярашмайдиган енгил ҳаёт кечиришга уринишдан бошқа нарса эмас деб қораланди.

Янгийўл — озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариладиган шаҳар. Шу боисдан маҳсулотнинг сифати, ҳусни, мазаси муҳим аҳамиятга эга. Лекин шунга қарамай, дейилди конференцияда, ҳамон сифатсиз пойабзал, мебель, кондитер ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрланишига йўл қўйилмоқда. Улар қайта ишлаш учун корхоналарга қайтариб юборилмоқда.

Конференция қатнашчилари шаҳар партия комитетининг идеологик ва партиявий-ташкилий иш соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилишга катта эътибор бердилар. Илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш одамларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асоси бўлиб, у коммунистларни, барча меҳнаткашларни онгли сиёсий жангчиларга, коммунизмнинг актив қурувчиларига айлантиради. Уларда ана шу сифатларни вужудга келтиришда кадрларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиши муҳим роль ўйнайди. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари буни ҳисобга олиб, жойларда сиёсий маорифнинг кенг тармоғини вужудга келтирдилар. Ўқишнинг турли формасига ўн беш минг киши жалб этилган. Ўқиш жараёнида олинган билим меҳнаткашларга иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, ишлаб чиқаришни юксалтириш ва самарадорлигини ошириш имконини бераяпти.

Ҳисобот даврида, деди докладчи, шаҳар партия ташкилоти сон жиҳатидан ўсди, ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланди, жанговарлиги ошди. Унинг сафига меҳнаткашларнинг энг яхши вакиллари келиб қўшилди. Шаҳар коммунистларининг 75 проценти бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд. Ҳисобот даврида партия сафига қабул қилинган беш юз кишининг тўртдан уч қисми ишчилар синфининг вакилларидир.

Шу билан бирга докладчи ва музокараларда қатнашган нотиқлар сиёсий-тарбиявий ишда ҳали катта камчиликлар борлигини, у КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорларида қўйилган талабларга тўла жавоб бермаслигини, бу соҳадаги формализмга, юзакичиликка барҳам бериш, идеологик ишнинг жанговарлиги, ҳужумкорлигини оширишга эришиш зарурлигини кўрсатдилар.

Мебель фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари партия сафларини ўстириш, коммунистларнинг авангардлигини ошириш, партия йиғилишлари ролини кучайтиришга эришмоқдалар. Лекин, дейилди конференцияда, ун ва колбаса заводлари, 2-босмахона, темир йўл станцияси партия ташкилотлари ўз фаолиятларини КПСС XXVI съезди қўйган талаблар даражасига кўтара олганлари йўқ.

Конференция қатнашчилари шаҳар коммунистлари ва барча меҳнаткашлари беш йиллик план топшириқларини тўла-тўкис бажариш, социал ва иқтисодий ривожланишда янги юксак босқичга кўтарилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирдилар. Улар партиямиз ва давлатимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини якдиллик билан маъқулладилар.

**Ҳ. АБДУСАМАТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ТИНЧЛИК — ИДЕАЛИМИЗ

### ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталари жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан берган Баёноти бизларда Совет раҳбарлари мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан кўраётган қатъий тадбирлар туфайли социализмга қарши «салб юриши» ташкилотчиларининг маккорона режалари барбод бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилди.

Совет кишилари тинчлик бизга қанчалик қимматга тушганлигини яхши биладилар ва биз тинчликнинг бузилишига йўл қўймаймиз.

Тинчлик тўғрисидаги, ўз фарзандларимизнинг келажаги тўғрисида ғамхўрлик бизларни сезгирликни оширишга, социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини юксалтиришга қўшаётган ўз ҳиссамизни кўпайтиришга даъват этади. Уруш оловини ёқувчиларнинг хатарли ниятларини барбод этишга қаратилган тадбирларни тезроқ амалга ошириш учун бизлар янада яхшироқ меҳнат қиламиз.

Бу йил мен ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажардим. Мен ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини конкрет ишлар билан қўллаб-қувватлашни ўз ватанпарварлик бурчим, деб ҳисоблайман. 1985 йилда ўн йиллик топшириқни бажариш ва цехдаги ўртоқларимга ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда кўмаклашишга сўз бераман.

**З. КАТТАБЕКОВА,**
**Тошкентдаги «Миконд» заводининг ишчиси.**

### ТАРИХ САБОҚЛАРИНИ УНУТМАНГИЗ

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари кабн мен ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини чин қалбдан қўллаб-қувватлайман. Бу Баёнот халқимизнинг тинчликка бўлган хоҳиш-иродаси ифодасидир. Оқ уйни эгаллаб олган жаноблар инсоният бошига термоядро ҳалокатини солишга интилмоқдалар. Улар бизга, совет кишиларига таҳдид қилмоқдалар. Ҳеч қачон ва ҳеч кимга қурол кўтармаган, аммо ҳеч қачон ҳеч кимнинг олдида тиз чўкмаган Совет мамлакатига таҳдид қилмоқдалар. Совет кишиларининг ўз диёрини қандай ҳимоя қила олишларини бутун дунё билади.

Мен бутун планетада тинчлик ва дўстлик шаҳри деб аталган Тошкентда яшайман. Ёзувчиларнинг анжуманлари ва илмий анжуманларнинг минбарларидан, киноэкранларидан ва театр саҳналаридан бизнинг шаҳримизда планетадаги ўнлаб тилларда тинчликни ҳимоя қилиб, ядро ҳалокати хавфига қарши баралла овозлар янграмоқда. Мен ҳам: тарих сабоқларини унутган кимсалар, тўхтангиз! Ҳар бир совет кишиси учун тинчликдан ҳам азизроқ нарса йўқлигини унутмангиз! дейман.

**Икром АКБАРОВ,**
**композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти.**

### ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ ВА МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

ГФР, Англия ва Италия ҳукуматлари ўз халқларининг хоҳиш-иродасига қарши иш кўриб, Американинг янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришга киришиб, унинг жиддий оқибатлари учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар. Бундай телбанамо қадам ядро урушининг чиқиши хавфини кучайтиради.

Менинг ёшимдаги кишилар урушни китоблардан ва кинофильмлардан билган эмаслар. Балки унинг азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирганлар. Ветеранлар бўлиб ўтган жангларнинг даҳшатларини, ловиллаб ёнган шаҳарлар ва қишлоқларни, хотин-қизлар, кексалар ва гўдакларнинг ғамалам тўла кўзларини ҳали хотирадан чиқарган эмаслар.

Шунинг учун ҳам тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бизлар мана шунинг учун ҳам мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасида ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида айтилган тадбирларни тўла-тўкис маъқуллаймиз ва ҳар биримиз ўзимиз ишлаб турган участкада янада зўр ғайрат ва самара билан меҳнат қиламиз, токи ер юзида тинчлик ва тараққиёт таянчи бўлган кўп миллатли Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қудрати янада ўссин.

**Рифқат ТУҚАЕВ,**
**учала даража Шуҳрат орденининг кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.**

## ЗВЁЗДНИЙ ШАҲАРЧАСИ ҚАҲРАМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

«Салют-7» орбитал станциясидаги иккинчи экспедициянинг аъзолари Звёздний шаҳарчасида 7 декабрь куни тантанали суратда кутиб олинди. Орбитадан қайтиб тушгач, космодромда дам олган Владимир Ляхов билан Александр Александров учиш тўғрисидаги дастлабки иш ҳисоботларини ва уларга 150 кунлик космик сафарни амалга оширишда ёрдам берган кишиларнинг ҳаммасига қизғин миннатдорчиликни олиб келдилар.

... Москва яқинидаги аэродромда оркестр космонавтларни кутиб олишга тайёр. Олимлар, конструкторлар, космонавтларнинг дўстлари, қариндош-уруғлари экипажни муваффақиятли қайтиб келганлиги билан қутлаш учун бу ерга келдилар.

— Биз навбатдаги узоқ экспедициянинг натижаларидан батамом қаноатландик, — деди космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. Леонов. — «Протонлар» ғоят катта ҳажмдаги тадқиқотлар ва экспериментларни бажариб орбитал станциядаги барча илмий ва технологик цехларни тўла қувват билан ишлата олдилар.

Мана, космонавтлар самолёт пиллапоясидан тушиб келмоқдалар. Уларнинг чеҳраларида мамнуният, яқин кишилари ва дўстлари билан бўлажак учрашувдан қувониш сезилиб турибди. Ахир, улар уйдагилари билан айни ёз палласи — июнь ойида хайрлашиб кетишган эди-да.

Юрий Гагарин ҳайкали олдида қисқача тўхталиб ўтилди. Планетадаги биринчи космонавт жасоратини ҳурматлаш учун бир минут сукут сақлаб, ҳайкал пойига гуллар қўйилди.

Космонавтлар тайёрлаш марказидаги митингда марказ раҳбарлари, олимлар, конструкторлар, экипаж аъзолари сўзга чиқдилар.

Шундан кейин давлат комиссиясининг мажлиси ўтказилиб, экипажнинг космосдаги шавкатли меҳнати учун юксак баҳо берилди. Космонавтлар кўп кунлик космик эпопеянинг барча босқичларида аҳиллик билан самарали ишлаганликлари қайд этиб ўтилди.

**Л. И. Брежнев номли Звёздний шаҳарчаси.**
**Н. ЖЕЛЕЗНОВ,**
**ТАСС махсус мухбири.**

## «Космос-1512» парвозда

1983 йил 7 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1512» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация-ҳисоб маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).






**Республика ишчи коллективлари йилни муваффақиятли якунлаш учун ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Чапдаги суратда: Тошкент шаҳридаги 8-қурилиш трести 4-бошқармасининг илғор бинокорлари Ф. Баратов ва З. Каримов ўртоқлар. Улар Шота Руставели кўчасида 200 ўринли тикувчилар ошхонаси ҳамда намойиш зали қурилишини жадаллаштиришда ибрат кўрсатмоқдалар. Ўнгдаги суратда Гулистон шаҳридаги Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикасининг болалар учун кийим тикиш участкаси мусобақа ғолибларини кўриб турибсиз.**

**А. Тўраев ва В. Втюрин (ЎзТАГ) фотолари.**

*МАФКУРАВИЙ КУРАШ ВА АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА*

# ТАФАККУР ОҒУСИ

Бизнинг давримиз ниҳоятда мураккаб ва хилма-хил сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ўзгаришларга бой. Замонамизнинг энг қудратли кучи ҳисобланган фан-техника тараққиёти таъсири остида бутун бир жамият, давлат ва элатларнинг турмуш тарзида, маданияти ва онгида туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Социализм жаҳон миқёсида ўзининг барча фазилатларини тўлиқ намойиш қилиб, бутун мазлум халқлар ва тараққийпарвар кишиларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Асрлар давомида хурофот ва маънавий қулликда яшаб келган, миллий-озодлик кураши натижасида мустамлакачилик занжирларини парчалаб, эндигина озодликка чиққан халқларнинг чинакам социал тараққиёт йўлидаги барча ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқининг обрўси кун сайин кўтарилиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳолат тобора инқирозга учраётган империалистлар ва уларнинг малайлари ғазабини қўзғатиб, антисоветизм йўлида янгидан янги иғвогарлик, туҳмат ва бўҳтонларни уйлаб топишга, энг паст, разил воситалардан фойдаланишга ундамоқда. Улар бу йўлда анъанавий воситалардан ташқари ниқобланган янги усуллардан ҳам кенг кўламда фойдаланаётирлар.

Антикоммунистлар бир томондан «илмий асосда» реал социализм ва унинг ҳаққоний ютуқларини сохталаштиришга, социализмга қарши идеологик ва сиёсий альтернатива ишлаб чиқиб, тавсия қилишга, иккинчи томондан — ҳозирги буржуа жамиятини янгилаш ва «модернизациялаш» ғояларини кенг омма онгига сингдиришга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Улар бу мақсадларни амалга оширишда дин ва унинг реакцион моҳиятидан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983 й) Пленумида қайд қилинганидек, ҳозир бизнинг мамлакатда «Одамларнинг бир қисми — тўғридан тўғри айтиш мумкинки, талайгина қисми ҳамон дин таъсири остида қолиб келмоқда. Империализмнинг кўп сонли идеология марказлари уларнинг диндорлигини қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки авж олдиришга, унга антисовет, миллатчилик йўналиши беришга интилмоқдалар. Диний экстремистларга айниқса, умид боғланмоқда». Ғарбнинг оммавий ахборот воситалари ва антисовет пропаганда марказлари Совет Иттифоқидаги дин ҳамда диндорлар ҳақида кўпроқ ёритишга зўр бермоқда. Аммо айни пайтда улар ҳақиқатни эмас, балки объектив далилларга зид ўлароқ Совет Иттифоқида гўё диндорлар қувғинда, диний эътиқоди ва диний фаолияти учун кишилар қамоққа олиняпти, деган сохта ва уйдирмадан иборат туҳмат гапларни кенг тарғиб қилмоқдалар.

Ғарбдаги «Озодлик», «Америка овози», «Немис тўлқини», «Би-Би-Си» каби радиомарказлар системали тарзда махсус диний эшиттиришлар олиб бориб, унда СССРдаги диний ташкилотлар ва диндорларнинг аҳволи тўғрисида ҳар хил бўҳтонларни эфирга чиқармоқда. Баъзи ғарбий мамлакатларда турли «симпозиум ва семинарлар» ўтказилиб, антисоветизм ғоялари тарғиб қилинмоқда.

Империалистик пропаганда, айниқса, мусулмон мамлакатлар билан Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар орасидаги алоқани бузиш мақсадида сохта далиллар билан СССРни ҳар томонлама қоралашни кучайтирмоқда. Ҳатто йирик давлат арбоблари, даставвал, АҚШ раҳбарлари ўзларини мусулмон давлатларининг яқин дўсти, ислом идеалларига садоқатли, деб кўрсатиб, аксинча Совет Иттифоқини исломга қарши кофирлар, мусулмонларнинг душмани деб таърифлаётирлар.

Кейинги йилларда Америка пропагандаси «Совет ҳарбий хавфи» деган бўҳтонлар остида ислом ва коммунизм зиддияти тўғрисида турли туҳматларни уюштирмоқда. Бундан мақсад — араб мамлакатлари билан СССР ўртасида ривожланаётган муносабатларга чек қўйиш ва мусулмон халқларининг диққат-эътиборини империализмга ва Исроил агрессив ҳаракатларига қарши курашдан чалғитишдан иборат. Империализм ва мустамлакачилик Яқин ва Ўрта Шарқда жуда кўп зиддиятларнинг вужудга келиши ва кучайишига сабаб бўлди. Айниқса, 1982 йил июнь ойида Вашингтоннинг фатвоси ва бевосита ёрдами билан Исроил Ливанга бостириб кирди ва ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритди. Америка империализми ўзининг Яқин Шарқдаги ёвуз ниятларини амалга ошириш мақсадида Исроилнинг босқинчилик сиёсатини енгиллаштириш ва Фаластин масаласини ижобий ҳал қилишга тўсқинлик қилиш учун Эрон ва Ироқ урушининг бошланишига сабабчи бўлди. Реакцион кучлар Кипрдаги турклар билан греклар орасида диний зиддиятларни кучайтиришга, Судандаги араб ва негр аҳолиси орасидаги ислом ва христиан қарама-қаршилигини чуқурлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Диний шовинизм шаклидаги жиддий тўқнашувлар Индонезия, Ливан, Покистон, Заир, Конго, Маврикий ороли, Доминикана республикаси ва бошқа мамлакатларда АҚШ империалистларининг уйдирмалари натижасида вужудга келмоқда.

Ҳозир жаҳондаги 800 миллионга яқин киши ислом динида. Афғонистон, Эрон, Жазоир, Ироқ, Тунис ва бошқа мамлакатларда умумий аҳолининг 90 процентдан кўпроғи мусулмонларни ташкил қилади. Бундай катта сиёсий кучни Вашингтон ўз фойдасига ишлатишга, ислом мамлакатларини Афғонистон революциясига ва уни қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқига қарши кўтаришга интилмоқда.

Империалистик пропаганда бир томондан, Совет Иттифоқида давлат органлари гўёки черков, масжид, ибодатхона, монастирларни ёпиб, диндорларни қувғин қилмоқда, деган уйдирмаларни ташвиқот қилса, иккинчи томондан, совет халқи ниҳоятда диндор, дин СССР аҳолисининг кўпчилик қисми онгига ва фаолиятига жиддий таъсир қилмоқда, диннинг уйғониши рўй бермоқда, деб исботлашга ҳаракат қилади.

Албатта, диндорлик масаласи энг мураккаб ижтимоий ҳодисалардан бири. Бу тушунчага диний дунёқараш ва диний ҳиссиёт, диний урф-одат ва маросимлар, диний фаолият ва бошқа нозик масалалар киради. Диндорликни тўлиқ аниқлаш ҳам осон эмас.

Маълумки, мамлакатимизда диний идеологияни пропаганда қилиш ва ўқитиш Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидаёқ ман қилинган, диндорлик моҳияти ва характери ҳам анча ўзгарган. Ҳозир мамлакатда черков ва масжидларга қатнайдиганларнинг аксарияти итоатгўйлигидан эмас, одат бўлиб қолганлигидан қатнайди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни аниқ исботлайдики, инқилобдан илгари бутунлай ислом таъсирида бўлган аҳолининг кўпчилиги дин таъсиридан мутлақо озод бўлган, озчиликни ташкил қилувчи диндор қисмининг диний тасаввурлари ҳам илгариги диндорлардан жуда фарқ қилади. Ҳозирги диндор мусулмонларнинг тасаввурида системалаштирилган ислом ақидаларидан намуна ҳам йўқ. Диндорларнинг кўпчилиги мусулмончилик нимадан иборат эканлигини, арабча ёзилган Қуръон ва бошқа диний китобларни ўқишни билмайди. Айрим сураларни ёдлаб олган диндорлар унинг маъносига тушунмайди. «Қуръон тўғрисида нима биласиз?» деган саволга доғистонлик диндорларнинг 80 проценти «ҳеч нима билмаймиз» деб жавоб берганлар, қолган 20 проценти эса унинг маъносига юзаки тасаввурга эга эканлигини билдирганлар. Жуда кўп диний тасаввурлар ва ақидалар диндорлар онгида турлича талқин қилинади. Агар худо тўғрисидаги ғоя анча яшовчан бўлса, охират, жаннат, дўзах, жоннинг ўлмаслиги каби тасаввурлар кўпчилик диндорларда шубҳа туғдиради ёки бутунлай инкор қилинади.

Демак, ҳозирги диндорларнинг онгидаги диний тасаввурлар системасиз, тарқоқ, юзаки, бўшашган. Шунинг учун ҳам диний эътиқод диндорлар ҳаёти ва фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Ҳатто мусулмончиликда фарз ҳисобланган талаблар ўз моҳиятини йўқотган. Бу далиллар бизнинг ғоявий душманларимизнинг «СССРда диний уйғониш рўй бермоқда», деган уйдирма туҳматлари пуч эканлигини тасдиқлайди.

Буржуа пропагандаси яна аксинча, гўё бизнинг мамлакатда диндан қайтиш, атеизмнинг тарқалиши жараёни зўрлик билан ўрнатилмоқда, деб ҳам туҳмат қилмоқда. Улар СССР Конституциясининг 52-моддасида барча гражданларга виждон эркинлиги гарантияланганлиги, яъни хоҳласа ҳар бир киши динга итоат қилиши мумкинлиги ҳақида тўла ҳуқуқ берилганлигини, шу билан бирга ҳар бир граждан атеистик пропаганда юргизиш эркинлигига эга эканлиги тўғрисида лом-мим демайдилар. Биз ҳеч вақт динга қарши курашни, унинг реакцион моҳиятини очиб ташлашни ва халқимиз онгидан бутунлай чиқариб, материалистик дунёқарашни шакллантириш мақсадимизни яширган эмасмиз. Атеистик тарбия коммунистик тарбиянинг таркибий қисми эканлиги партиянинг ҳужжатларида қайд қилингандир.

Коммунистик партия очиқдан-очиқ, ленинча таълимотга асосланган ҳолда, ҳеч вақт фалсафий материализм ва илмий атеизм принципларидан қайтмайди, деб қатъиян баён қилади. Ленинча курашчан атеизм позицияси ҳозир ҳам диннинг социал моҳияти ва табиати тўғрисидаги марксча тушунчадан чекинишларга қарши муросасизликни талаб қилади.

Совет кишилари, айниқса ёшларимиз ҳар томонлама камол топиши учун ижтимоий онг формаларидан ва идеологик воситалардан самарали фойдаланиб, янги урф-одат ва маросимлар орқали уларда ростгўйлик ва ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва коллективизм, принципиаллик ва интернационализм, ижтимоий бурчни англаш ва социал активлик, жамият мулки ва фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, инсон қадр-қимматини ҳурматлаш каби юксак гуманистик фазилатларни тарбиялаш энг олижаноб вазифадир. Порлоқ келажагимиз тақдири ва таянчи ҳисобланган ёш авлоднинг онгини заҳарловчи ярамас ва бемаъни хурофий тушунчалар ва урф-одатларнинг тарқалишига «ёки сақланишига ва бу йўлда маълум даражада тарғибот юргизувчи айрим шахсларнинг фаолиятига бефарқ қарашнинг ўзи ниҳоятда ўринсиз ҳолдир.

Жамиятимиз барча онгли аъзоларининг, айниқса, зиёлиларнинг фикр-ўйлари, ақл-идроки ва куч-қудрати ҳақиқат йўлидан адашиб, жаҳолат тўрига илинган замондошимизнинг маънавий қулликдан тўла озод қилиниши учун сафарбар этилиши зарур. Бу олижаноб инсоний бурчни адо этишда ҳеч кимнинг четда томошабин бўлиб туришга ҳаққи йўқ. Чунки фақат ўтмишнинг барча зарарли сарқитларидан халос бўлган, хурофий хаёлларга берилмаган қалби пок, жасур, маънавий соғлом, бақувват, виждонли, ростгўй ёшларни тарбиялаш йўли билангина юксак ғояларимиз рўёбга чиқиши мумкин.

**И. ЖАББОРОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор.**

